

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НУРМАМАТОВА ҚУРБОНОЙ ЧОРИЕВНА

**БОЛАЛАРДА ТАРҚАЛГАН АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАР,
ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Тошкент шаҳри мисолида)**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нурмаматова Қурбоной Чориевна

Болаларда тарқалган аллергия касалликлар, хавф омиллари ва уларнинг олдини олиш йўллари такомиллаштириш (Тошкент шаҳри мисолида)..... 3

Нурмаматова Қурбоной Чориевна

Распространение аллергических заболеваний среди детей, факторы риска и пути совершенствования профилактики (на примере г.Ташкента)..... 23

Nurमतamatoва Kurbonoy Chorievna

Prevalence of allergic diseases among children, risk factors and ways to improve their prevention (on the example of Tashkent city)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

НУРМАМАТОВА ҚУРБОНОЙ ЧОРИЕВНА

**БОЛАЛАРДА ТАРҚАЛГАН АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАР,
ХАВФ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ (Тошкент шаҳри мисолида)**

14.00.36 – Аллергология ва иммунология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.4.PhD/Tib1300 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Иммунология ва инсон геномикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.immunology.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар: **Зиядуллаев Шухрат Худойбердиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Набиева Умида Полатджановна**
тиббиёт фанлари доктори
Ирсалиева Фатима Хуснутдиновна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Ғулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: immunologiya@qip.ru.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Т.У.Арипова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Х.М.Хатамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.А.Исмаилова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда болалар ва ўсмирлар орасида аллергия касалликлар етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва тез-тез қайталаниши, бемор ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, ногиронликка сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) эпидемиологик тадқиқотлари маълумотларига кўра, «...дунёда аллергия тарқалишининг барқарор ўсиши ва аҳолининг 30-40% да аллергиянинг турли кўринишлари қайд этилмоқда. Аллергия касалликлар болаларнинг 10% дан 50% гача ва ундан ортиқ қисмида учрамоқда»¹. Болаларда аллергия касалликларни учраш даражаси юқорилиги, патогенезининг мураккаблиги ва касаллик оқибатларининг оғирлиги ўз навбатида, уни эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда болаларда тарқалган аллергия касалликлар, хавф омиллари ва уларнинг олдини олиш йўллариини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада аллергия касалликларни тарқалганлигини аниқлаш, клиник-иммунологик кечиш хусусиятларини аниқлаш, молекуляр даражада аллергия касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш, устивор хавф омилларини баҳолаш, даволаш-профилактика ишларини, аҳолини диспансерлаш тадбирларини самарадорлигини баҳолаш усулларини такомиллаштириш илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда аллергия касалликларга чалинган болаларга даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишни такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, жумладан аллергия касалликларни камайтириш мақсадида «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш»² каби вазифалари белгиланган. Бу борада болаларда тарқалган аллергия касалликлар, хавф омиллари ва уларнинг олдини олиш йўллариини такомиллаштириш орқали касаллик асоратини камайтириш ва ҳаёт сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

¹ World Health Organization web site, 2018., <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/allergy>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон ««Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишга доир давлат дастури», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 11 майдаги ПҚ-3715-сон «Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда аллергия касалликларни аниқлаш бўйича жаҳонда қатор илмий ишлар амалга оширилган (Безрукова Д.А., 2010, Камалтынова Е. М., 2013, Аюк А.С., 2018). Халқаро статистика маълумотлари шуни кўрсатадики, аллергия касалликларнинг йиллик ўсиши ўртача 15-40% ни ташкил этади (Испаева Ж.Б, 2011, Hammer S.C., 2017). Аллергия касалликларни ўрганиш бўйича олиб борилган кўп сонли тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатадики, аллергия касалликлар (АК) профилактикаси, уларни эрта аниқлаш, АКга чалинган бемор болаларни ўз вақтида кузатув остига олиш, сифатли даволаш муҳим аҳамият касб этади ва ўз долзарблигини йўқотмайди. Хусусан, болалар ва ўсмирлардаги аллергия касалликларнинг клиник-патогенетик хусусиятлари ва аллергияспецифик иммуно-терапия самарадорлиги баҳоланган (И.И.Балаболкин 2015), болаларда аллергия ринит ва бронхиал астманинг тарқалиши, даволаш ва олдини олиш масалалари таҳлил қилинган (Е.А.Вишнева ва бошқалар, 2017), аллергия касалликларга чалинган болаларга амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатишни ташкил этиш тизими баҳоланган (Levine 2019), йирик шаҳарларда яшовчи болаларнинг нафас олиш аъзолари функциясига турли хил аллергияларнинг таъсири аниқланган (S. Lee 2019).

Мамлакатимиз олимларидан «ISAAC» халқаро дастури бўйича sanoat корхоналари жойлашган шаҳарларда истиқомат қилувчи болаларда аллергия ринит ва бронхиал астма касалликларининг тарқалганлик даражаси аниқланган (Д.М.Тураева ва бошқ., 2015), болаларда аллергия

ривожланишида *Helicobacter pylori*нинг ўрни аниқланган (И.М.Ахмедова, 2017), Қорақалпоғистонда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида аллергия тарқалганлик даражасининг айрим кўрсаткичлари аниқланган (С.Т.Нурполатова, 2018), Бухорода истиқомат қилувчи болаларда ўткир аллергия ҳолатларининг клиник кечиши, этиологияси, тарқалганлик даражаси баҳоланган (Х.Х.Мухамедова 2017, Ф.Р.Каримова 2018), болаларда микрокана этиологияли аллергияларнинг клиник кечиши баҳоланган (И.Р.Юлдашев 2019).

Мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилган барча тадқиқотлар аллергияли беморлар реабилитацияси ва уларни даволашнинг клиник аспектларини ёртишга, ёки мамлакатимизнинг маълум бир ҳудудида (Бухоро, Қорақалпоғистон ва шу каби) атопиянинг алоҳида шакли патогенези ва гуруҳли тарқалиши ёритилган, болалар орасида аллергия касалликлар таркиби ва динамикаси ҳамда уларнинг прогнозини таҳлил қилиш, болаларда аллергия шаклланишига таъсир кўрсатувчи хавф омилларининг мажмуини ўрганиш, аллергия касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил этишнинг мавжуд тизими ҳолатини баҳолаш борасидаги муаммоларни ўрганишга қаратилган махсус ижтимоий-гигиеник тадқиқотлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг 011900238-сон «Аҳолининг турли гуруҳлари орасида касалланиш – эпидемиология, даволаш ва олдини олиш чоралари» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2022 й).

Тадқиқотнинг мақсади иммунитет ҳолати ва эпидемиологик маълумотларни инобатга олган ҳолда аллергия касалликлар билан касалланган болаларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва олдини олиш чора-тадбирларини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари куйдагилардан иборат:

Тошкент шаҳридаги 18 ёшгача бўлган болалар орасида аллергия касалликлар таркиби ва даражасини таҳлил қилиш ва энг кўп учрайдиган патологияларнинг ўрнини баҳолаш;

Тошкент шаҳрининг турли туманларидаги болаларнинг иммунологик кўрсаткичларидаги фарқ жиҳатларни баҳолаш;

болаларнинг иммун тизимининг ва касалланиш ҳолатига атроф-муҳит омиллари таъсирининг аҳамиятли хусусиятларни баҳолаш;

болаларда аллергия касалликларнинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи энг муҳим хавф омиллари градацияларининг ижтимоий хусусиятларини баҳолаш;

аллергия касалликларга чалинган болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг турли босқичларида тақдим этиладиган тиббий ёрдам ҳажми ва сифатини баҳолаш;

болалар орасида аллергик касалликларни эрта ташхислаш, профилактикасини янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2019 йилларда Тошкент шаҳри туман тиббиёт бирлашмалари ва уларга бириктирилган оилавий поликлиникалар ретроспектив маълумотлари ҳамда назоратида бўлган АК чалинган болалар (300) ва уларнинг ота-оналари (120), соғлом болалар (120), оила шифокорлари (60) проспектив маълумотлари олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болалар веноз қони ва зардоби иммунологик тадқиқотлар, аллергик касалликлар ҳолати, оилавий поликлиникада аллергологик хизматлар фаолияти, БТСЁ кўрсатувчи муассасалар шифокорлари ҳамда ота-оналарининг аллергик касалликлар тўғрисида ахбороти эпидемиологик тадқиқотлар учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари Тадқиқотда эпидемиологик, аллергологик, иммунологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, прогностик (хавф омилларини интеграл баҳолаш) ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор иммун танқислик хавф омиллари даражасига боғлиқ бўлган аллергик компонентнинг шаклланиши ва иммун тизимининг турли хужайравий (CD8+, CD16+, CD20+) ва гуморал (IgA, M, G) бўғинларнинг дисрегуляцияси асосланган;

шаҳарнинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудида (Чилонзор) яшовчи аллергик дерматит, аллергик ринит, бронхиал астма билан хасталанган болалар қони таркибидаги лейкоцитар хужайралар, аллергик жараённинг назоратини таъминловчи иммуноглобулинлар (IgG ва IgA) миқдорининг юқорилиги касалликнинг хавф омилли эканлиги исботланган;

ҳаво таркибидаги автотранспортдан ажраладиган азот оксиди ва 3,4 бензоперин миқдорининг кескин ортиши натижасида табиий киллер, цитотоксик хужайралар ҳамда иммунрегулятор индексининг миқдори камайишининг узоқ муддат сақланиб қолиши оқибатида болаларда касаллик кечишининг сурункали шаклга ва ногиронликка ўтиш хавфи исботланган;

болаларда аллергик касалликлар ривожланишида ҳаво таркибининг ўзгариши, турли консервантлар, овқат қўшимчаларининг биргаликдаги таъсири натижасида хужайравий ва гуморал иммун бўғинларида юзага келган ўзгаришлар орасида боғлиқлик исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

йирик саноат шаҳри (Тошкент)даги болаларга аллергик ёрдамни режалаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

Болаларда аллергик касалликларнинг хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда хасталик ривожланишининг башоратлаш мезонлари ишлаб чиқилган;

АК олдини олиш ва хавф омилларини эрта аниқлаш бўйича on-line электрон мобил иловалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот ишида қўлланилган барча ёндашувлар, олиб борилган тадқиқотда фойдаланилган усулларнинг кенг ахборот бериш имкониятига эга эканлиги, назарий ва амалий жиҳатдан аниқлиги, тадқиқот объектларининг етарлилиги, замонавий ташхислаш усулларнинг қўлланганлиги, ўзаро бир бирини тўлдирувчи эпидемиологик,аллергологик-иммунологик, ижтимоий-гигиеник, социологик, санитар-статистик тадқиқот усулларига таянганлиги, олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шу билан бирга, тадқиқот давомида олинган натижаларнинг маҳаллий ва хорижий илмий изланишлар билан солиштирилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Тошкент худудларида яшовчи болаларда аллергик касалликлар, хавф омиллари ва уларнинг олдини олиш йўллари тақомиллаштириш республикада келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратади, аллергик патология ривожланишининг ҳаводаги хавф омилларига боғлиқлиги, касаллик кечиши иммун кўрсаткичлари лейкоцитлар, CD3+, ва иммуноглобулинлар (IgG, IgA) миқдорининг юқорилиги ҳамда CD4+, CD8+, ИРИ миқдорининг камайиши билан тўғри пропорционал ўзгариши касаллик патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Тошкент худудларида яшовчи болаларда аллергик патология ривожланишининг хавф омиллари ва прогностик мезонлари ишлаб чиқилганлиги, болаларга аллергик ёрдамни режалаштиришда фойдаланиш мумкин бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилганлиги, АК олдини олиш ва хавф омилларини эрта аниқлаш бўйича смартфонлар учун on-line электрон мобил илова ишлаб чиқилганлиги касалликни эрта ташхислаш ва ривожланишини олдини олиши ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент шаҳри мисолида болаларда тарқалган аллергик касалликлар, хавф омиллари ва уларнинг олдини олиш йўллари тақомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: илк бор иммун танқислик хавф омиллари даражасига боғлиқ бўлган аллергик компонентнинг шаклланиши ва иммун тизимининг турли хужайравий (CD8+, CD16+, CD20+) ва гуморал (IgA,M,G) бўғинларнинг дисрегуляцияси асосланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** иммунологик текширув ўтказилганда иммун тизимнинг хужайравий ва гуморал иммунологик кўрсаткичларнинг дисрегуляцияси бор болаларда иммун танқислик ва аллергик компоненти шаклланиши муҳим роль ўйнайди; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ва Сергели туманлари тиббиёт бирлашмаси оилавий поликлиникалари

амалий фаолиятларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги 8н-з/216-сон маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: шикоятчи бор болаларда ўз вақтида иммунологик текширув ўтказилиб ва уларда иммун тизимнинг хужайравий ва гуморал иммунологик кўрсаткичларнинг дисрегуляцияси аниқланиши, ушбу контингент орасида иммун танқислик ва аллергик компоненти шаклланиши аллергик касалликларни барвақт аниқланишига, шу билан эрта ташҳис қўйилишига ва самарали даволашга, асоратларини олдини олишга ҳамда беморнинг ҳаёт сифатига ижобий таъсир кўрсатади; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: эрта ташҳис қўйилиши, ўз вақтида самарали даволаниши асоратларни олдини олишга ва шифохонада ётиш даврини камайиши имконини беради ва шу ҳисобига ҳар бир қисқартирилган кунига давлат томонидан 248 минг сўм маблағни тежаб қолиш имкони бўлади (прейскурантига кўра 1 кунга 225 000 сўм ўрин куни ва 23 000 сўм овқатланиш); **хулоса:** ўз вақтида иммунологик текширув ўтказилиши иммун тизимнинг хужайравий ва гуморал иммунологик кўрсаткичларнинг дисрегуляцияси аниқланишига ва эрта ташҳис қўйилишига, самарали даволашга, асоратларини олдини олишга ҳамда беморларнинг ҳаёт сифати деярли яхшилашга имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: шаҳарнинг экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудида (Чилонзор) яшовчи аллергик дерматит, аллергик ринит, бронхиал астма билан хасталанган болалар қони таркибидаги лейкоцитар хужайралар, аллергик жараённинг назоратини таъминловчи иммуноглобулинлар (IgG ва IgA) миқдорининг юқорилиги касалликнинг хавф омили эканлиги исботланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** болалар қони таркибида лейкоцитар хужайралар, аллергик жараённинг назоратини таъминловчи иммуноглобулинлар (IgG ва IgA) миқдорининг юқорилиги аллергик дерматит, аллергик ринит, бронхиал астма касалликлари ривожланишида муҳим рол ўйнайди; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ва Сергели туманлари тиббиёт бирлашмаси оилавий поликлиникалари амалий фаолиятларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги 8н-з/216-сон маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: аллергик касалликларга мойиллиги бор болалар орасида қон таркибида лейкоцитар хужайралар, иммуноглобулинлар (IgG ва IgA) миқдорини аниқланиши аллергик касалликларни барвақт аниқлаш имконини беради ва самарали профилактик ишларни олиб бориш ишларини яхшилайдди; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** болалар орасида аллергик касалликларга олиб келувчи хавф омилларни барвақт аниқланиши ва уни олдини олиши аллергик касалликларни ташҳислашда иммунологик текширувларни қўллаш ва қўшимча текширув усулларини камайтириш ҳисобидан, умумий сарф харажатни (битта беморга 350 000 – 400 000 мингга) камайтириш имкони

бўлади; **хулоса:** таклиф қилинаётган қон таҳлили соғлиқни сақлашнинг бирламчи поғонаси амалиётига жорий қилиниши давлат томонидан ташхислашга ажратиладиган маблағларини тежаб қолиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: ҳаво таркибидаги автотранспортдан ажраладиган азот оксиди ва 3,4 бензоперин миқдорининг кескин ортиши натижасида табиий киллер, цитотоксик хужайралар ҳамда иммунрегулятор индекси миқдори камайишининг узок муддат сақланиб қолиши оқибатида болаларда касаллик кечишининг сурункали шаклга ва ногиронликка ўтиш хавфи исботланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** ҳаво таркибидаги автотранспортдан ажраладиган азот оксиди ва 3,4 бензоперин миқдорининг кескин ортиши натижасида табиий киллер, цитотоксик хужайралар ҳамда иммунрегулятор индекси миқдори камайишини олдини олиш болаларда аллергия касаллик кечишининг сурункали шаклга ва ногиронликка ўтиш хавфини камайитириши аниқланди; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ва Сергели туманлари тиббиёт бирлашмаси оилавий поликлиникалари амалий фаолиятларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги 8н-з/216-сон маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: болалар аллергиялоглари ва юқори технологик ёрдам кўрсатадиган мутахассислар болалар орасида аллергия касалликларни хавф омиларини ҳисобга олган ҳолда таъминланиши беморларни барвақт аниқланиши ва уларга ўз вақтида юқори технологик ихтисослаштирилган даволаш-профилактик ёрдамни кўрсатилишига, асоратлар, ногиронлик сонини камайитиришига, аллергия касалликлар билан хасталанган болалар доимий назоратда бўлишига ва ота-оналарнинг тиббий ёрдам сифатидан мамнун бўлишига олиб келади; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: аллергия касалликка чалинган болаларга иммунрегулятор индекси миқдорини ҳисобга олган ҳолда барвақт ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш дастлабки ва кечки асоратларни олдини олиш, стационарда даволаниш кунларни камайитириш ва умумий сарф харажатни (ўртача 1 кунга ўрин куни қисқартирилиши ҳар битта беморга 248 минг сўмга) камайитириш имконини беради; **хулоса:** болалар орасида аллергия касалликларни тарқалиш кўрсаткичларини ҳаво таркибидаги автотранспортдан ажраладиган азот оксиди ва 3,4 бензоперин миқдорининг кескин ортиши натижасида табиий киллер, цитотоксик хужайралар ҳамда иммунрегулятор индекси миқдорини ҳисобга олган ҳолда юқори технологик ихтисослаштирилган даволаш-профилактик ёрдам билан таъминланиши беморларни барвақт аниқланиши, уларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилиши, дастлабки ва кечки асоратларни олдини олиш тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорликка олиб келади.

туртинчи илмий янгилик: илмий янгиликнинг моҳияти: болаларда аллергия касалликлар ривожланишида ҳаво таркибининг ўзгариши, турли

консервантлар, овқат қўшимчаларининг биргаликдаги таъсири натижасида хужайравий ва гуморал иммун бўғинларида юзага келган ўзгаришлар орасида боғлиқлик исботланган; **илмий янгиликнинг аҳамияти:** болаларда аллергия касалликлар ривожланишида ҳаво таркибининг ўзгариши, турли консервантлар, овқат қўшимчалари биргаликда хужайравий ва гуморал иммун бўғинларида ўзгаришлар юзага келиши билан изоҳланади; **илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани ва Сергели туманлари тиббиёт бирлашмаси оилавий поликлиникалари амалий фаолиятларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 30 июндаги 8н-з/216-сон маълумотномаси); **илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: аллергия касалликларга олиб келувчи хавф омиллари касалликнинг асосий аломатлари бўйича ота-оналарнинг тиббий саводхонлик даражасини ошириши, шунингдек, оилавий шифокорлар томонидан касалликларни дастлабки босқичда аниқланиши аллергиялогик касалликларининг асоратларини камайтириш имконини беради; **илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: аллергия касаллик барвақт аниқланганда 1та беморнинг шифохонада бўлиш даврининг 2,4 кунга қисқартирилиши ҳисобига 595,2 минг сўм кам маблағ талаб этилади (прейскурантига кўра 1 кунга 225 000 сўм ўрин куни ва 23 000 сўм овқатланиш); **хулоса:** ота-оналарнинг тиббий саводхонлик даражасини ва уларнинг фарзандларининг саломатлигига нисбатан эътиборини, шунингдек, бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари томонидан касалликларни дастлабки босқичда аниқлаш даражасини ошириш аллергия касалликларнинг кеч асоратланган ҳодисалар сонини камайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва

амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда аллергия шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг олдини олиш ва даволаш бўйича ёндашувлар тўғрисидаги замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида амалга оширилган болаларда алергик касалликлар муаммоси бўйича адабиётлар маълумотлари ва алергологик ёрдамни ташкил этиш бўйича меъерий-хукуқий хужжатлар таҳлили қуйидаги хулосаларга келиш имконини беради: кичик ёшдаги болалар ва ўсмирлардаги алергик касалликлар замонавий жамиятнинг жиддий тиббий-ижтимоий муаммоси ҳисобланади, ушбу муаммонинг ечими эса алергик касалликлар патогенези, хавф омиллари ҳамда ушбу тоифа беморларини даволаш борасидаги сўнгги тасаввурларга асосланган мос ҳолдаги клиник ва ташкилий ечимларни талаб этади.


Диссертациянинг «**Тадқиқот объектларининг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни амалга ошириш дастури ишлаб чиқилган, ўрганилаётган материаллар ҳамда қўлланилган ахборотларни тўплаш ва таҳлил қилиш усуллари келтирилган. Тадқиқотнинг объекти ва усулларини танлаш илмий изланиш олдига қўйилган вазифалар ҳамда босқичларга мувофиқ ҳолда амалга оширилган. Тошкент шаҳридаги оилавий поликлиникалар тадқиқотнинг базаси ҳисобланди. Тадқиқотни олиб боришда аналитик, монографик, социологик, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилди. Иммунологик тадқиқотлар Фанлар академиясининг Иммунология ва инсон геномикаси институти лабораториясида ўтказилди. Иммунологик усуллар периферик қондаги CD3+, CD4+, CD8+, CD16+, CD20+, CD25+, CD95+ фенотипли лимфоцитларни LT сериясининг моноклонал антитаналари билан миқдорий аниқлашни (ТОО «Сорбент»; Москва, Россия), шунингдек, иммунитетни гуморал бўлими А, М, G синфга мансуб иммуноглобулинлар даражаси ИФТ усули билан Россиянинг “Вестор Бест” тест тизимлари ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотни амалга ошириш давомида олинган барча маълумотларга шахсий компьютерда Microsoft Office EXCEL 2016 йил дастури бўйича статистик ишлов берилди. Барча босқичларда кўрсаткичлар 95% дан кам бўлмаган эҳтимоллик билан таҳлил қилиш учун олинди ($P < 0,05$). Маълумотлар ишончилигини аниқлаш учун ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатоликлар (m_m ва m_p)ни ҳисобга олган ҳолда параметрик статистика усулидан фойдаланилди. Олинган натижаларни иккита мустақил йиғиндиларда таққослаш учун аҳамиятни t Студент жадвали бўйича аниқлаш орқали иккита йиғинди ўртасидаги фарқларнинг ишончилигини баҳолашдан фойдаланилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришлар учун $P \leq 0,05$ ишончилик даражаси қўлланилди. Бу хатосиз башоратлар эҳтимоли 95% дан юқори даражали ишончли маълумотларни олиш имконини берди.

Диссертациянинг «Тошкент шаҳри аҳолиси иммун статусининг хусусиятлари ва аллергия касалликлар таркиби» деб номланган учинчи бобида Тошкент шаҳридаги болаларнинг иммун статусининг хусусиятлари, аллергия касалликлар билан касалланиш динамикаси баён этилган.

2021 йилда экологик вазиятнинг иммун тизими (ИТ) ҳолатига ва саломатлигига таъсирини ўрганиш мақсадида Мирзо Улуғбек тумани (экологик хавфсиз ҳудуд) 1-гурӯҳ ва Чилонзор тумани (экологик жихатдан ноқулай ҳудуд) - 2-гурӯҳ оилавий поликлиникалари негизида амалий соғлом болаларда иммунологик тадқиқотлар олиб борилди.

1-гурӯҳ иштирокчиларининг ўртача ёши $16,4 \pm 0,5$ ёшни ташкил этди. Бу гурӯҳга 27 ($67,5 \pm 7,4\%$) ўғил болалар ва 13 ($32,5 \pm 7,4\%$) қиз болалардан иборат. 2-гурӯҳ иштирокчиларининг ўртача ёши $16,5 \pm 0,4$, улардан 23 ($57,5 \pm 7,8\%$) ўғил болалар ва 17 ($42,5 \pm 7,8\%$) қизлар. Шундай қилиб, жинс, ёш ва саломатлик ҳолати бўйича гурӯҳлар ўртасида фарқлар йўқ. 1-гурӯҳ ва 2-гурӯҳ болаларининг ИТ кўрсаткичларини кўриб чиқаётганда шуни таъкидлаш мумкинки, ноқулай ҳудудда яшовчи болалар орасида лейкоцитлар даражаси ($10270,8 \pm 415,0$ мкл) 1 – гурӯҳ болалари ($8244,5 \pm 120,1$ мкл) даражасига нисбатан меъёрдан бироз ошганлиги аниқланди.




1-расм. Тошкент шаҳрининг турли ҳудудларида яшовчи 15-18 ёшли болаларнинг ҳудуд экология ҳолатига кўра иммунологик статуси

2-гурӯҳда ($3033,4 \pm 115,0$ мкл) лимфоцитлар даражаси ҳам меъёрий чегарадан бироз бир ошиб, 1-гурӯҳдаги ($2476,5 \pm 255,0$ мкл) маълумотлардан 1,2 баравар юқори (1-расм). Иккинчи гурӯҳдаги ИТ нинг хужайра алоқаси параметрлари бўйича CD3+ ($30,7 \pm 0,9\%$ га нисбатан $59,3 \pm 4,1\%$), бу ноқулай шароитда яшовчи болаларнинг иммун тизимининг гиперактивлигини кўрсатади ($P < 0,05$). В-лимфоцитларнинг фаоллашувида иштирок этган таркиби CD20+ рецепторларини ифодалаш орқали В-лифоцитлар таркиби 2-гурӯҳдаги болаларда ($29,1 \pm 3,9\%$) қийматлар билан таққослаганда CD20+ ошиши аниқланди, 1-гурӯҳда бу кўрсаткич ($21,9 \pm 2,5$) ($P < 0,05$). Шунини таъкидлаш мумкинки, экологик жихатдан ноқулай ҳудудларда CD23+, CD38+, CD95+ фаоллашув белгиларининг ифодаси мавжуд. Шу билан бирга

атроф-муҳит кўрсаткичлари бўйича хавфсиз ҳудудда яшовчи болаларда CD4+, CD8+ и ИРИ кўрсаткичлари меъёрда. Ноқулай шароитда яшовчи болалар гуруҳида бу кўрсаткичларнинг бироз пасайганлиги аниқланди. Йирик ва кичик ЦИК кўрсаткичи 2-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан ($7,4 \pm 1,6$ ва $14,1 \pm 2,8$) анча юқори ($17,3 \pm 1,8$ ва $25,1 \pm 2,7$). G, M ва A иммуноглобулинлари гуморал иммунитетнинг муҳим белгиларидир. Болаларнинг 2-гуруҳида IgG - $1401,8 \pm 47,1$ мг% бу 1-гуруҳдаги ушбу кўрсаткичдан 1,2 баравар юқори $1185,8 \pm 41,1$ мг%. IgA мезонига кўра 1-гуруҳга $106,4 \pm 4,2$ мг% ($P < 0,05$) нисбатан 2-гуруҳда сезиларли даражада ўсиш қайд этилган $150,4 \pm 3,7$ мг%. Таққосланган гуруҳлар ўртасида IgM таркибига кўра, иккала гуруҳда ҳам сезиларли фарқ аниқланмади.

Шундай қилиб, биз айтишимиз мумкинки экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудда яшаш болалар қон таҳлиларида лейкоцитлар ва лимфоцитлар сонининг ортиши, CD3+ ошиши, CD4+, CD8+, ИРИ камайиши, IgG, IgA, IgMлар номуносивлиги бу амалий соғлом болаларда иммун тизимидаги зўриқиш ва аллергия реакцияларга мойилликнинг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари биз Тошкент шаҳри туманларидаги атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси ва АКнинг ўртача йиллик касалланиш даражаси ўртасида тўғри корелляция боғлиқлик аниқланди (2-расм).



2-расм. 2015-2019 йиллар мобайнида Тошкент ш. Чанглр ва газлар даражасининг ўртача кўрсаткичлари ҳар 100 минг болага БА ва АР касалланиши ўртасидаги корелляция боғлиқлик


Тошкент шаҳрининг турли туманларида яшовчи болаларда касалланишнинг тарқалиши ва таркиби, иммун тизими кўрсаткичлари бўйича аниқланган тафовутлар, болалар организми раективлик ва резистентлик даражасига ва ноинфекцион касалликлар, жумладан аллергия касалликлар тарқалиш даражаси ва таркибига таъсир қилади.

Аллергия касалликлар бўйича статистик маълумотлар расмий равишда олиб борилмаётганлиги ва бу патология асосан нафақат алергологлар томонидан эмас балки, турли мутахассислар томонидан қайд этилишини

ҳисобга олиб, 2015-2019 йиллар давомида туман тиббиёт бирлашмалари ва оилавий поликлиникаларининг тиббий ҳужжатлари ёрдамида (якуний ташҳисларни қайд этиш статистик талони, Ш-12 ва бошқалар) ўрганилди. Биз томонидан Тошкент шаҳридаги ТТБ ларининг бирламчи тиббий ҳужжатлари таҳлил қилинди (жами 500). Аллергик касалликларнинг тарқалиши ва уларнинг таркиби бўйича олинган маълумотлар сўнгги йилларда аллергия касалликларнинг нисбатан кўпайиши, АК лар шакллари орасида аллергия дерматит, ринит ва бронхиал астма кўпинча қайд этилган деган хулосага келишимизга имкон берди (81,7%). Уларнинг 2/3 қисми аллергия ринит ва бронхиал астма бўлиб, озиқ-овқат аллергияси, аллергия конъюнктивит ва бошқалар каби касалликлар нисбатан кам учрайди, шу муносабат билан биз уларни кузатувдан чиқариб ташладик. Юқорида келтирилган ва бизда мавжуд бўлган расмий статистик маълумотлар (Ш-1,Ш-12) фақат аллергия ринит (АР) ва бронхиал астма (БА) билан оғриган беморлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олганлигини ҳисобга олиб, ушбу касалликларнинг тарқалиши Тошкент шаҳри болалари мисолида чуқурроқ таҳлил қилинди.

Тошкент шаҳрида болалар ва ўсмирлар касалланишининг умумий тавсифи, кўпинча, пойтахтнинг иқлим-географик ҳолати, унинг экологик муаммолари ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳолати, шунингдек, умумий ва ихтисослаштирилган педиатрия ёрдами ривожланганлик даражаси билан аниқланади.

2015 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрида болалар орасида АР билан бирламчи ва умумий касалланишнинг ўртача умумий кўрсаткичлари ҳар 100000 болага $147,7 \pm 4,8$ ва $603,5 \pm 9,7$ нафарни ташкил этди (3-расм).



3-расм. Тошкент шаҳри туманлари бўйича АР ва БАнинг тарқалганлик даражаси.

Ўсмирлар орасида бундай кўрсаткичлар 1,5 ва 1,2 баробар юқори бўлди, ҳамда ҳар 100000 ўсмирга $335,0 \pm 14,7$ ва $717,1 \pm 21,5$ нафарни ташкил этди.

БА билан бирламчи ва умумий касалланишнинг ўртача мавсумий кўрсаткичи худди шу даврда 0 дан 14 ёшгача бўлган болалар орасида ҳар 100000 болага мос ҳолда $13,1 \pm 1,4$ ва $59,9 \pm 3,1$ ни ташкил этди. Тошкент шаҳри бўйича ўсмирлар орасида БА билан бирламчи ва умумий касалланишнинг ўртача мавсумий кўрсаткичи 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ҳар 100000 ўсмирга мос ҳолда $30,0 \pm 4,4$ ва $101,8 \pm 8,1$ нафарни ташкил этди, бу болалар орасидаги касалланишдан 2 баробар юқори. Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида ҳам ўрганилаётган патология билан умумий касалланиш дунё бўйича олинаётган маълумотлардан анча паст кўрсаткичга эга.

Тошкент шаҳри туманлари бўйича АР ва БАнинг тарқалганлик даражаси ташҳис ва ёшга боғлиқ ҳолда юқори ўзгарувчанликка эга (2-расмга қаранг), ўрганилаётган контингент орасида АР ва БА билан умумий касалланишнинг энг юқори даражаси Юнусобод, Учтепа, Бектемир, Чилонзор, Яшнобод туманларида қайд этилди. Санаб ўтилган туманларда ушбу кўрсаткич шаҳар даражасидан 3-1,5 баробар юқори бўлди. Бирламчи касалланиш, умумий касалланиш бўйича энг кичик кўрсаткичлар Мирзо Улуғбек ва Яккасарой туманларида қайд этилди.

Беш йил давомида болалар орасида АР билан касалланишнинг аҳамиятсиз ўсишлари бўлгани ҳолда ўсмирлар орасида аналогик кўрсаткичлар учдан бир қисмга ошди. Худди шу даврда БА билан умумий касалланишлар миқдори болалар орасида 1,3 баробар, ўсмирлар орасида эса 1,1 баробарга камайганлиги кузатилди. Шаҳарда автотранспортлар ва қурилишлар сонининг кўпайиши билан боғлиқ ҳолда экологик муаммоларнинг ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб тахмин қилиш мумкинки, аллергия тарқалиш кўрсаткичларининг камайиши катта эҳтимол билан диспансеризация ва ушбу патологияни ҳисобга олишнинг бузилиши ёки бундай патологияли беморларнинг кўпроқ хусусий тиббий муассасаларга мурожаат қилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ҳақда 2030 йилга қадар Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар орасида аллергик касалликлар тарқалишини башоратлаш натижалари билвосита далолат беради. Агар жараённинг барча бошқа таркибий қисмлари ўзгаришсиз қолса, ўсмирлар орасида АР билан умумий касалланишнинг 31,8% ўсишини ва болалар ва ўсмирлар орасида БАнинг мос равишда 3,4% ва 16,4% га ўсишини кутиш мумкин.

АР ва БА тарқалганлик даражаси ёш бўйича кўриб чиқилганда қайд этиш жоизки, бирламчи ва умумий касалланиш кўрсаткичлари ўсмирлар гуруҳида анча юқори. Шундай қилиб, ўсмирлар орасида АР билан бирламчи касалланиш кичик ёшдаги болалардан олинган кўрсаткичлардан 2,3 баробар, умумий касалланиш эса 1,2 баробар юқори. БА ўсмирлар орасида 14 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 2,2 баробар кўп аниқланади, 14 ёшгача бўлган болаларга нисбатан 1,7 баробар кўп ўсмирлар эса ушбу касаллик бўйича АПМназорати остида туради.

Тошкент шаҳрида аллергик касалликларга чалинган болалар ҳамда ўсмирларнинг жинси бўйича таркибини таҳлил қилинганда, улар орасида ўғил

болаларсони кўпчиликни ташкил этиши аниқланди. АРда ўғил болалар сони 18 ёшгача бўлган барча ўсмирлар сонининг $54,6 \pm 2,7\%$ ини, БАда эса мос ҳолда $55,2 \pm 2,5$ ни ташкил этди.

Биз Тошкент шаҳри туманларидаги ҳавонинг ифлосланиш даражаси ва бирламчи касалланишнинг ўртача йиллик кўрсаткичлари ўртасида бевосита боғлиқликни аниқладик. Шундай қилиб, ҳавонинг газлар билан ифлосланиш даражаси билан болаларда АР билан касалланиши орасида ўртача кучли тўғри корреляцион боғлиқлиги мавжуд ($r = +0,56 \pm 0,2$), ўсмирлар орасида эса ($r = +0,54 \pm 0,2$) ($P > 0,05$). Бронхиал астма учун худди шундай боғлиқлик аниқланди, аммо кучсиз ($r = +0,2 \pm 0,1$) ($P > 0,05$), ўсмирлар орасида эса бу кўрсаткич ўртача кучга эга ($r = +0,61 \pm 0,2$) ($P < 0,05$). Шундай қилиб, атроф муҳитнинг ифлосланиши болаларда АР ва БА билан касалланиш даражасига бевосита таъсир қилади, ҳавонинг газлар билан ифлосланиш бўйича стандартларга жавоб бермайдиган намуналар фоизи қанчалик юқори бўлса, касалланиш даражаси шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда миқёсида ва Тошкент шаҳри бўйича болалар орасида АР, БА билан касалланиш кўрсаткичларининг жуда нотекислигини кузатиш мумкин. 15-18 ёшдаги ўсмирлар орасида ушбу касаллик 1,5-2 баробар кўп учрайди. Шунингдек, қиз болаларга нисбатан ўғил болалар ушбу касалликка кўпроқ чалинади.

Қайд этиш жоизки, мамлакатимиз бўйича расмий статистиканинг барча маълумотлари адабиётларда тавсифланган худди шу касаллик ҳақидаги маълумотлардан бир неча баробар кам.

Диссертациянинг «**Болаларда аллергик касалликлар ривожланишининг хавф омилларини интеграцияланган баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида болаларда АК ривожланишининг асосий хавф омиллари кўриб чиқилган. Тошкент шаҳридаги болаларда АКлар эҳтимолий хавф омилларини аниқлаш ва пайдо бўлишида уларнинг родини аниқлаш учун Миробод, Чилонзор, Юнусобод, Мирзо Улуғбек туманларидаги оилавий поликлиникаларга келган ота-оналари ва фарзандлари ўртасида ўтказилган социологик сўровнома маълумотлари бўйича болаларнинг иккита гуруҳига хавф омилларининг таъсир даражасини қиёсий баҳолаш амалга оширилди (имкониятлар нисбати ИН). 1-гуруҳ асосий гуруҳ (АГ) га аллергик касалликлар ташхисланган янги туғилган чақалоқлардан 18 ёшгача бўлган 300 нафар бола қамраб олинди. 2-гуруҳ назорат гуруҳи (НГ) га янги туғилган чақалоқлардан 18 ёшгача бўлган аллергик касалликларга чалинмаган 120 нафар бола киритилди.

Ушбу тадқиқотлар боланинг ёши ва аллергия мавжудлиги ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик ($r_0 = +0,43 \pm 0,15$) ($P > 0,05$) мавжудлигини тасдиқлади, бу боланинг ёши қанчалик юқори бўлса, болада аллергия хавфи шунчалик юқори бўлишини кўрсатади. АК ривожланиш хавфи 0 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда 1,8 барабар, 7-10 ва 15-18 ёш гуруҳларида 1,3 барабар юқори ($P < 0,05$). Боланинг жинси ҳам алоҳида роль ўйнайди, АК билан (1,4 марта) қизларга нисбатан ўғил болалар кўпроқ касалланади.

Ирсият, агар отаси ёки онасида аллергия бўлса, болада АК ривожланиш хавфини мос равишда 1,8 ва 1,9 баравар ва агар ота-онанинг иккаласида ҳам бўлса 5,6 марта (асосий гуруҳда $9,3 \pm 1,7\%$ ва назорат гуруҳида $1,7 \pm 0,6\%$) ($P < 0,05$) ортади. Агар боланинг ота-онаси яқин қариндош бўлса, бу хавф ортади (қариндоши билан ИН-2,2; узоқроқ қариндошликда - 1,3). 30-40 ёшдан ошган ота-оналардан туғилган болаларда АК ривожланиш эҳтимоли 1,4 ни ташкил этади, айниқса бу биринчи ҳомиладорлик бўлса (1,4) ($P < 0,05$).

1-жадвал

Белгиларни прогностик таъсир даражаси бўйича тақсимлаш

| Белги | | ИХПК | Белги | ИХПК |
|---|----------------|------|--|-------|
| Боланинг жинси | Ўғил бола | 3,98 | Сунъий овқатлантириш | 2,02 |
| | Қиз бола | 2,37 | Табиий сигир сути билан эрта қўшимча озиклантириш | 2,13 |
| Боланинг ёши | 0 дан 3гача | 2,00 | Отаси боланинг олдида чекади | 4,65 |
| | 4 дан 6 гача | 1,01 | Онаси боланинг олдида чекади | 1,35 |
| | 7 дан 10 гача | 2,24 | Печкада иситиш | 1,81 |
| | 11 дан 14 гача | 1,25 | Квартира/ уйи салқин ва нам | 1,73 |
| | 15 дан 18 гача | 2,45 | Уйнинг деворларида моғиор бор | 2,96 |
| Ота-оналарнинг қариндошлиги | Яқин қариндош | 0,96 | Кимёвий воситалар ёрдамида уйни тозалаш | 6,69 |
| | Қариндош | 0,70 | Болалар кийимларини кукун билан ювиш | 10,19 |
| Ирсий мойиллик | Онаси | 1,60 | Ҳар куни сигир сутини истеъмол қилиш | 3,12 |
| | Отаси | 0,80 | Ҳар куни нон ва нон маҳсулотларини истеъмол қилиш | 4,43 |
| | Иккаласида ҳам | 1,83 | Ҳар куни гўшт маҳсулотларини истеъмол қилиш | 3,66 |
| Ота-оналарнинг ёши | Она 30-40 ёш | 4,06 | Ҳар куни фастфуд истеъмол қилиш | 5,44 |
| | Ота 30-40 ёш | 5,34 | Ҳар куни цитрус меваларни ва б.қ. истеъмол қилиш | 2,08 |
| Боланинг туғилгандаги ёши 2500 гр дан кам. | | 4,76 | Ҳар куни конфет, шоколад ва бошқа қандолат маҳсулотларини истеъмол қилиш. | 6,36 |
| Тез-те ўРВИ, грипп, ангина билан касалланиш | | 8,0 | Ҳар куни какао, кофе истеъмол қилиш | 2,37 |
| Пневмония билан касалланган | | 2,57 | Ҳар куни ширин газланган ичимликларни истеъмол қилиш (Кока-кола, Пепси –кола, фанта ва б.қ.) | 1,42 |
| Ўткир ичак инфекциялари | | 5,09 | | |

Изоҳ:ИХПК (X) – интеграция хавфини прогностик кўрсаткичи $P < 0,05$

Сўровнома маълумотларига кўра, алоҳида хавф омилларининг прогнозли қийматини аниқлаш учун унинг 100 респондентда учраш частотаси аниқланди (P). Шундан сўнг, меъёрлаштирилган интенсив

кўрсаткичи (МИЎ)нинг (N), нисбий хавф кўрсаткичи (R) ва ИХПКнинг интеграция хавфининг прогностик кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди. Прогнозлашнинг кейинги босқичи интеграция хавфи ИХПК (X) нинг прогностик кўрсаткичларининг минимал (X_{\min}) ва максимал (X_{\max}) қийматларини аниқлашдан иборатдир. Бу бизнинг тавсия этилган услубий тавсияларимиз учун асос сифатида фойдаланилган хавф диапазонларини ҳисоблаш имконини берди.

Юқоридаги эндоген хавф омилларига қўшимча равишда (жинси, ёши, генетикаси, антенатал даврда, шу жумладан онадаги ҳомиладорлик ва туғиш жараёнининг кечиши билан боғлиқлиги) боланинг турмуш тарзи муҳим прогностик аҳамиятга эга (1-жадвал).

АК ривожланишининг юқори хавфи чақалоқ ҳаётининг биринчи йилидаги овқатланишидаги бузилишлар билан боғлиқ, шунинг учун болани туғилишдан бошлаб сунъий озиклантириш билан аллергия ривожланиш эҳтимоли 3,3 баравар (ИХПК 2,02), ҳамда табиий сигир сути билан эрта озиклантириш хавфни 2,3 мартага оширади (ИХПК 2,13) ($P < 0,05$). Катта ёшли боланинг сигир сути, нон маҳсулотлари, колбаса ва бошқа кўринишидаги гўшт маҳсулотлари, шоколад, какао, цитрус меваларини кўп истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган оқилона, мувозанатли овқатланиш асосларининг бузилиши ИХПК даражасини мос равишда 3,12; 4,43; 3,66; 6,36; 2,37 ва 2,08 оширади.

Ижтимоий ва маиший характердаги омиллар ҳам прогностик интеграция хавфининг юқори кўрсаткичларига эга: пассив чекиш (4,65); ёмон иситиладиган ва нам хонадон ёки уй, айниқса қишда (1,73); деворларда моғор мавжудлиги (2,96), идишларни машинада ювиш ёки автоматик режимда ювиш (кўп миқдорда кир ювиш кукуни, кондиционерлар ва бошқа воситалар ишлатиш) идиш ва чойшабдаги синтетик ювиш воситаларининг қолдиқлари интеграция хавфини 10,2 ва 3,2 га, ҳамда уйни нам тозалашда маиший кимёвий воситалардан мунтазам фойдаланиш (оқартувчи, Доместос, Фейри, ароматизатор ва ҳ.к.) 6,7 га оширади.

Шундай қилиб, болаларда АК ривожланишида эркак жинси, болаларнинг ёши, ирсий мойиллик мавжудлиги, ота-оналарнинг яқин қариндошликдаги никоҳи ва боланинг туғилиш пайтидаги ота-онасининг ёши, болани сунъий озиклантириш, туғилганидан бошлаб табиий сигир сути билан овқатлантириш, ота-онанинг чекиши, боланинг овқатланиш режимининг бузилиши ва кундалик ҳаётда маиший кимёвий воситаларидан назоратсиз фойдаланиш энг муҳим хавф омиллари бўлиб ҳисобланади.

